

14-МАВЗУ. БИЗНЕС-РЕЖАНИНГ АСОСЛАНГАНЛИГИ ВА ИШОНЧЛИЛИГИ

1. Бизнес-режанинг ишлаб чиқишни бошқаришдаги зарурияти.
2. Бизнес-режани тузишда ресурслар билан таъминланганлиги.
3. Режалаштирилаётган бизнесни суғурталаш

Қўлланиладиган педогогик технологиялар: Маъруза, «ақлий хужум», намойиш этиш.

1. Бизнес-режани ишлаб чиқишни бошқаришдаги зарурияти

Бизнес-режанинг асосланганлиги ва ишончлилиги узаро боглик булган ва бир-бирини тулдириб турувчи жараёнлардир. Бизнес-режанинг асосланганлик даражаси канчалик юкори булса, унинг ишончлилиги, талаб килиниши ва фойдалилиги хам шунчалик юкори булади. Бунинг учун бизнесни режалаштириш жараёнини бошқариш зарур булиб, у куйидагиларга имкон беради:

1) корхона фаолиятининг муайян йуналишларини, мақсадли бозорлар ва корхонанинг улардаги урнини аниклаш;

2) корхонанинг киска ва узок муддатли мақсадларини, шунингдек, уларга эришиш тактика ва стратегияларини ифодалаш. Танланган хар бир стратегия учун жавобгарларни белгилаш;

3) корхонанинг иктисодий холатини хамда белгиланган мақсадларга эришиш учун зарур булган мос келувчи моддий, молиявий ва бошка ресурслар холатини бахолаш;

4) истеъмол бозорига чиқарилувчи махсулот (иш, хизмат) хажми ва номенклатурасини аниклаш хамда бир вақтнинг узида уларни яратиш ва сотиш харажатларини аниклаш;

5) кадрларни танлаш, уларнинг белгиланган мақсад ва вазифаларни бажаришга мос келишини бахолаш, мос келувчи хар бир участкада кадрлар меҳнати махсулдорлигини рағбатлантириш учун зарур шароитлар яратиш;

б) бизнес-режани амалга оширишга тускинлик килиши мумкин булган кийинчиликлар ва «кузга куринмас» тусикларни олдиндан кура билиш.

Бизнес-режани ишлаб чиқишда ушбу жараёнда корхона (фирма) рахбариятининг иштирок этиш даражаси мухим ахамият касб этади. Бизнес-режани тайёрлашда рахбарнинг шахсан иштирок этиши шунчалик мухимки, хорижий амалиётда куплаб банклар, инвестиция жамгармалари ва бошка шу каби муассасалар бизнес-режа корхонадан ташкарида маслахатчилар томонидан тайёрланиб, рахбарият томонидан факат имзоланган хоалтлар маълум булиб колганда умуман бу корхоналарнинг аризаларини куриб чиқишга хам кабул килмайдилар.

Бирок бу бизнес-режани ишлаб чиқишда маслахатчилар хизматларидан фойдаланмаслик керак дегани эмас, аксинча, экспертларни бу ишга жалб килиш куллаб-куватланади. Гап бу ерда бошка нарса хакида бормокда - бизнес-режани ишлаб чиқиш корхона рахбарининг ёки уз ишини очмокчи булаётган шахсинг шахсан иштирок этишини талаб килади. Ишга киришар экан, у биринчи навбатда келгуси фаолиятни моделлаштиради ва унинг мақсадга мувофиқлигини текширади, иккинчидан, мулжалланаётган ишлаб чиқаришнинг (бизнеснинг) барча

иждобий ва салбий натижалари учун жавоб беради, учинчидан эса, бажарилган хисоб-китоблар ва хар бир курсаткичларнинг ахамиятини яхши ва аник билади.

Бошқарув жараёнида бизнес-режанинг асосланганлиги ва ишончлилигидан ташқари уни ишлаб чиқишнинг уз вақтидалиги ҳам муҳим ахамиятга эга. Бозор шароитларида, истеъмолчилик талаби тез-тез узғариб турган бир пайтда режалаштириш тизимида утмишдаги каби хатоларга йул қуйиш мумкин эмас (корхоналар якуний режаси йил бошида эмас, йил ўртаси ва хатто охирига бориб тугалланган). Бундай режалар, табиийки, формал характерга эга булиб, корхона ривожланишининг белгиланган стратегиясини амалга оширишга хизмат қилмаган.

Шу сабабли бизнес-режани уз вақтида ишлаб чиқиш муҳим ахамиятга эга булиб, корхонада бошқарув сифатининг баҳолаш курсаткич булиб хизмат қилади. Бизнес-режани ишлаб чиқиш муддатларининг қузилиб кетиши гоёнинг эскириши, хомийлар ва кредиторларнинг кетиб қолиши, вақт ва ишлаб чиқариш қувватларининг йукотилиши, ишлаб чиқаришнинг сусайишига олиб келади.

Шундай қилиб, бизнес-режани тайёрлашнинг асосланганлини, ишончлилиги ва уз вақтидалиги корхона муваффақиятининг гаровидир. Уз вақтида хориж амалиётида 195 та саноат товарларининг муваффақияти ва муваффақиятсизлиги сабаблари таҳлил қилинган ва чоп этилган (Американинг «Форчун» журнали хар йили саноатнинг 33 тармогида танлаб олинган 300 та компаниянинг рейтингини аниқлаб боради). Уларнинг 102 тасида фирмалар муваффақиятга эришган булса, 93 тасида бунинг акси қузатилган. Муваффақиятга эришишнинг учта асосий омили аниқланган:

- товарнинг рақобатчилар товарларидан устунлиги ва унинг истеъмолчилар томонидан қабул қилиниши;
- фирманинг маркетинг «ноу-хау»лари, яъни бозорни, харидорлар хулқ-атвори, янгиликларни қабул қилиш ва амалга ошириш суърати, товарнинг ҳаётийлик даври ва бошқаларни энг яхши тушуниши;
- фирманинг технологик «ноу-хау»лари, яъни ИИТТКИ ва ишлаб чиқариш синергиясининг юқорилиги.

Бирок ортикча чакириклар, хориж тажрибаларини тарғиб қилишнинг узи билан бизнес-режанинг мазмунини, уни ишлаб чиқиш жараёнини бошқариш жараёнини яхшилаш мумкин эмас.

2. Бизнес-режани тузишда ресурслар билан таъминланганлиги

Маълумки, бизнес-режа корхона фаолиятининг жорий ва истикболдаги стратегиясини амалга ошириш, биринчи навбатда, нимани, қанча ва қим учун ишлаб чиқариш вазифасини бажаришга хизмат қилиши лозим. Мазкур ишлаб чиқариш стратегияси, табиийки, бизнес-режани тузиш босқичидаёқ ресурслар таъминоти билан мустақамланиши лозим.

Ресурслар билан таъминланганлик - бизнеснинг асосий қоидаларидан бири булиб, мулкчилик қайси шаклида эканлигидан қатъи назар мажубрий хисобланади. Моддий, меҳнат, молиявий ва техник-технологик ресурсларсиз маҳсулотни ишлаб чиқариш жараёнининг имқони йуқлиги ҳам исбот талаб қилмайдиган қоидадир. Шу сабабли янги ёки жорий ишлаб чиқаришни ташқил қтиш вазифаси ҳал қилинаётган хар сафар ресурслар билан таъминлаганлик масаласи юзага чиқади. Тугри, бу вазифани ҳал қилиш методикаси қуп жихатдан ресурслар тури, ишлаб чиқариш микёси ва характерига боғлиқ булади.

Айтиш керакки, утмишда, иктисодиётда давлат мулки асосий уринни эгаллаган, корхоналарни зарур моддий-техник ва молиявий ресурслар билан таъминлаш давлатнинг вазифаси булган пайтларда бу масалар корхоналарнинг «бошини огритмас» эди. Корхона давлатга карашли булганлиги сабабли давлатнинг узи унинг иктисодий баркарорлиги, жумладан, унинг ресурслар билан таъминланганлиги учун жавобгар булган.

Бугунги кунда иктисодиётда вазият умуман узгача. Иктисодиётнинг асосини мулкчиликнинг турли шакллари ташкил этади. Давлат иктисодий фаолият ва тадбиркорлик эркинлигини, конунда курсатилган холлардан ташкари корхоналарнинг ишлаб чикариш-хужалик фаолиятига аралашмасликни кафолатлайди, мулкчиликнинг барча шакллари тенглиги ва хукукий химоя килинишини таъминлайди. Корхона унга тегишли булган мулкни уз хохишига кура бошкаради. Шу билан бир пайтда у ишлаб чикаришни зарур ресурслар билан таъминлаш масалаларини мавжуд конун-коидаларни бузмасдан, айланма воситаларни товар-моддий кадрияларга айлантириб куймасдан хал килиши лозим булади.

Шуни кайд этиб утиш жоизки, бизнес-режа тузиш буйича, айникса, хорижий тавсияларда ишлаб чикариш режаси, менежмент, молиявий ва бошка масалаларни хал килишда булгани каби ресурслар таъминотига багишланган махсус бўлим йук. Бирок бизнес-режа корхонанинг асосий конуни эканлиги хар дамда эслатиб турилади. Ҳакикатдан хам, гарб мамлакатлари жамиятда тадбиркорлик руhini уйготиш, уз фукароларида ишбилармон ва тадбиркорларни куришдан ташкари уларни бу ишга ургатади хам.

Бизнеснинг (тадбиркорликнинг) ресурслар билан тулик таъминланганлиги ишлаб чикаришнинг барча боскичларида чикариляётган махсулот сифатига салбий таъсир курсатмаган ва белгиланган технологик жараёнларни бузмаган холда моддий ресурсларни тежаш билан боглик булиши лозим. Бошкача килиб айтганда, корхонанинг ресурслар таъминоти сохасидаги сиёсатига ресурсларни тежаш сиёсати хамкорлик килиши лозим булиб, бу бозор муносабатларидан ташкари айрим ресурс турларининг такчиллиги ва тулик эмаслиги билан хам асосланади.

Моддий ресурсларни тежашнинг асосий йуналишлари сифатида амалиётда куйидагилардан фойдаланиш мумкин:

- ◆ йукотиш ва чикитларни камайтириш;
- ◆ бракни йукотиш;
- ◆ хом-ашё ва материллар сарфлашнинг прогрессив усулларини ишлаб чиқиш;
- ◆ янги технологияларни жорий килиш;
- ◆ урнини босувчи моддаларни куллаш, иккиламчи хом-ашёдан фойдаланиш ва хоказо.

Бизнеснинг ривожланиши, корхонанинг муваффакиятли фаолият курсатиши учун моддий ресурслар ва улардан окилона фойдаланиш билан бирга инвестициялар хам мухим ахамият касб этади. Инвестициялар янги корхона яратиш учун хам, мавжуд корхонани ривожлантириш учун хам керак булади. Бугунги шароитларда чет эл инвестицияларини жалб килишнинг ахамияти катта булиб, улар республиканинг асосий капиталига, жумладан, корхоналарга киритилувчи маблаглар микдорини оширишда билан бирга ишлаб чикаришни модернизациялаш, замонавий ракобатбардош махсулот турларини чикариш ва уларни жахон стандартлари талабларига етказишга имкон беради.

3.Режалаштирилаётган бизнесни суғурталаш

Суғурталаш - бозор инфратузилмасининг мухим элементи булиб, фукароларнинг ва хужалик субъектларининг мулкий манфаатларини химоя килиши кузда тутилади. Суғурталаш суғурталовчининг манфаатларини учинчи шахслар эътирозларидан ҳамда бу шахсларнинг уз манфаатларини ҳам химоя килади, чунки суғурталовчининг моддий имкониятларидан катъи назар етказилган зарарни коплаш кафолатланади.

Суғурталашни хукукий жихатдан тартибга солиш хар бир мамлакатда давлат томонидан белгилаб куйилувчи конун ва коидаларга асосан амалга оширилади. Масалан, Францияда уч кисмдан иборат булган суғурта кодекси мавжуд. Унинг биринчи кисмида конун нормалари, иккинчи кисмида хукумат карорлари мавжуд булса, учинчи кисми бошка маъмурий идораларнинг курсатмалардиан иборат.

Суғурталаш Ўзбекистонда ҳам ривожланмокда. мустакиллик кулга киритилгандан сунг, 1993 йилнинг майида «Суғурталаш тугрисида»ги конун, 2002 йилнинг апрелида эса уз таркиби ва бажарувчи вазифалари буйича жахон стандарти талабларига якинлашган «Суғурта фаолияти тугрисида»ги янги конун кабул килинди. Республикамиз суғурта тизимини бугунги кунда «Ўзбекинвест» Миллий суғурта компанияси, «Кафолат» давлат-акциядорлик суғурта компанияси, «Мадад» суғурта компанияси ва бошкалар намоён килади.

Бизнес, ишлаб чиқариш ёки фаолиятнинг бошка бир тури, айниқса катта микдорда моддий ва молиявий ресурсларни жалб килиш билан боглик булиши доим ҳам муваффакият ёки ютукнинг гарови була олмайди. Бу маълум даражада таваккалчилик ҳам булиб, бизнес тили билан айтганда олдиндан Суғурта килиниши лозим.

Бизнес ва тадбиркорлик одатда суғурт объекти булмайди. Суғурта тизими бутун дунёда асосан уч йуналишни назарда тутуди: шахсий суғурта, мулк суғуртаси ва жавобгарликни суғурталаш. Бизнес соҳасида моддий кадриятлар, мулк ва юк, депозитлар, тижорат рисклари ва бошкалар суғурта объекти вазифасини бажаради.

Рисклар, уларни бахолаш ва башорат килиш билан боглик масалалар бизнес-режани тайёрлашда ҳам, келгусида уни амалга оширишда ҳам мухим аҳамият касб этади. Гап шундаки, инвесторлар, банкирлар ва бошка кредиторлар одатда корхона ёки тадбиркор олдида ишлаб чиқаришни ташкил этишда кандай муаммолар вужудга келиши ва улар бундай вазиятлардан кай тарика чикиб кетишини билишни истайдилар. Буни бахолаш одатда муайян фаолият турига ёки бугунги тил билан айтганда мулжалланаётган бизнес-лойиханинг микёсига боглик булади.

Суғурталаш мажбурий тарзда икки томоннинг - суғуртачи ва суғурталанувчининг иштирок этиши, шунингдек, белгиланган суғурта бадалини назарда тутиши сабабли суғурталанувчи, бизнинг холатда корхона ёки тадбиркор томонидан бу ишнинг барча жихатларини чукур уйлаб куриш лозим булиб, бу бадаллар асосида келгусида умумий суғурта жамгармаси шаклланади. Хусусан, куйидагиларни амалга ошириш зарур:

- ◆ вужудга келиши мумкин булган барча рискларни аниқлаш;
- ◆ хар бир рискнинг вужудга келиш эҳтимолини аниқлаш;
- ◆ улар натижасида етказилиши мумкин булган зарар микдорини хисоблаш;
- ◆ уларни вужудга келиш эҳтимоли буйича ажратиш;

◆ йул куйиш мумкин булган риск даражасини белгилаш ва вужудга келиш эхтимоли ушбу чегарадан паст булган барча рискларни бир четга суриб куйиш.

Суғурталаш амалда факат суғурталанувчи рискларга (risk insurable) таъсир курсатиб, уларни етказилиши мумкин булган зарар ва суғурта холатининг юзага келиш эхтимоли нуктаи назаридан пул кийматида бахолаш мумкин. Яъни риск окибатлари объектив улчаниши ва киймат бахосига эга булиши лозим.

Риск чайковчилик характериға эга булмаслиги ва суғуртачи ёки суғурта манфаатига эга булган бошка шахс билан алокада булмаслиги лозим. Суғурта холати жамият манфаатлари йулида амалга оширилмаслиги керак.

Фирма уз фаолияти мобайнида турли хил рискларга учраши мумкин булиб, уларни куйидагича таснифлаш мумкин:

Хукукий рисклар. Қонунчиликнинг мукамал эмаслиги, хужжатларнинг аник расмийлаштирилмаганлиги, конунчиликнинг икки хил талкин килиниши билан боглик булади.

Рискни камайтириш учун амалга оширилувчи тадбирлар:

- ◆ хужжатларнинг мос келувчи кисмларини аник ифодлаш;
- ◆ хужжатларни расмийлаштириш учун ушбу сохада амалий тажрибаға эга булган мутахассисларни жалб килиш.

Ишлаб чиқариш рисклари. Компьютер техникасининг мураккаблиги, ахборот технологиялари сохасида техника тараккиётининг юкорилиги, курсатилаётган хизматлар сифатининг пастлиги билан боглик булади.

Рискни камайтириш учун амалга оширилувчи тадбирлар:

- ◆ юкори малакали кадрларни танлаш;
- ◆ ходимлар малакасини оширишни доимий рағбатлантириш;
- ◆ курсатилаётган хизматлар сифатини назорат килиш тизимини ишлаб чиқиш ва ундан фойдаланиш;
- ◆ зарур асбоб-ускуналарни харид килиш учун уз вақтида етарлича маблағ ажратиш. Маркетинг рисклари. Бозорға чиқишда ушланиб қолиш, хизматларни ноттуғри

танлаш, маркетинг стратегиясини танлашда адашиш, нарх сиёсатидаги хатолар билан боглик булади.

Молиявий, инновацион, ижтимоий ва бошка риск турлари.

Лойиха буйича асосий риск омиллари:

- ◆ янги ракобатчиларнинг пайдо булиши;
- ◆ энергия ресурслари нархининг усиши;
- ◆ истеъмолчиларнинг тулов лаёкати пасайиши.

Мазкур омиллар юзага келганда уларнинг таъсирини камайтиришнинг асосий йуллари ишлаб чиқариш харажатларини пасайтириш, курсатилаётган хизматлар ассортиментини купайтириш ва луарнинг сифатини яхшилаш хисобланади.

Умуман олганда эса лойиха rischi унчалик сезиларли деб бахоланмайди.

Муҳокама ва назорат саволлари

1. Бизнес-режани ишлаб чиқиш жараёнини бошқариш қайси элементлардан таркиб топади?

2. Бизнес-режани ишлаб чиқиш жараёнини бошқаришда бажарилувчи асосий вазибаларни санаб беринг?

3. Бизнес-режа қандай талабларға жавоб бериши лозим?

4. Бизнес-режанинг ресурслар билан таъминланганлиги деганда нимани тушунаси?
5. Бизнес-режанинг асосланганлиги ва ишончлилиги учун ким жавоб беради?
6. Суғурталашнинг бизнесга кандай алокаси бор?
7. Бизнесда суғурталашнинг максоди ва асосий йуналишларини айтиб беринг.
8. Риск нима ва унинг бизнесга таъсирини кандай хисобга олинади?

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Бочаров В.Р. Инвестиции: Учебник для вузов. – 2-е изд.-СПб.: Питер, 2008. – 384 с. Ил.- (Серия “Учебник для вузов”).
2. Имомов Ҳ.Ҳ. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. –Тошкент, Iqtisod-moliya. 2010. – 164 б.
3. Жўраев А.С. ва бошқалар. Инвестиция лойиҳалари таҳлили. Ўқув қўлланма. – Т.: Шарқ. 2003.-246 б.
4. Эргашева Ш., Узоқов А. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. - Т.: Иқтисод-молия, 2008.-208 б.
5. Абдувасиқов А.А., Тўхтаева С.Ф. Агросаноат мажмуаси корхоналарида инвестициялаш ва лойиҳалар таҳлили. Ўқув қўлланма.-Т.: 2009.-187 б.
6. Ковалев В.В. Методы оценки инвестиционных проектов. –М.: Финансы и статистика, 2008.- 176 с.
7. Ишмухамедов А.Э, Қосимов. М.С, Жумаев. З.А, Жумаев Қ.Х. Лойиҳа таҳлили. Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси. Адабиёт жамғармаси нашриёти.-Т.: ТДИУ. 2004. -159 с.